



**XALQARO
ILMIY-AMALIY ANJUMAN**

**INTERNATIONAL
SCIENTIFIC-PRACTICAL
CONFERENCE**

**JAHON ADABIYOTI VA
FILOLOGIK KOMPARATIVISTIKA**

**WORLD LITERATURE AND
PHILOLOGICAL COMPARATIVE**

26-27 may, 2026, Toshkent

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON DAVLAT JAHON TILLARI UNIVERSITETI
JAHON ADABIYOTI KAFEDRASI**

**“JAHON ADABIYOTI VA FILOLOGIK
KOMPARATIVISTIKA”**

**MAVZUSIDAGI
Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari
TO‘PLAMI**

2026-yil 26-27-may

**MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**UZBEKISTAN STATE WORLD LANGUAGES UNIVERSITY
DEPARTMENT OF WORLD LITERATURE**

**“WORLD LITERATURE AND PHILOLOGICAL
COMPARATIVE”**

Articles of international scientific-theoretical conference on

May 26-27, 2026

TOSHKENT – 2026

MUNRARIJA

Ixomjon Tuxtasinov. JAHON ADABIYOTI VA KOMPARATIVISTIKA: QIYOSIY TAFAKKUR KO'LAMLARI.....	5
---	---

1-SHO'BA. JAHON ADABIYOTINING DURDONA ASARLARI TADQIQI

Gulnoz Xalliyeva. TOLSTOY VA TASAVVUF: INSONIYLIK VA ILOHIYLIK TALQINI.....	8
Елена Андрущенко. «...ПУТНИК <...> ВИДИТ ВСТРЕЧУ ДВУХ МИРОВ»: ЗАМЕТКИ К ДЕЯТЕЛЬНОСТИ С.Г. РЫБАКОВА.....	11
Jasur Ziyamuxamedov. XITOIY YOZUVCHISI YU DAFU IJODINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI....	17
Feruza Sapayeva. MAXTUMQULI IJODINING YEVROPA VA SHARQ ADABIYOTSHUNOSLIGIDA O'RGANILISHI.....	23
A.A.Қосимов, Р.М.Умрзоков. “ОЙДИН ТУНЛАР” АСАРИДА ҲОЛАТ ВА ВАЗИЯТЛАРНИНГ БАДИИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ	27
Улфатхон Муҳибова. ХИНДИСТОНДА БОБУРИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИДА ЯРАТИЛГАН АБАДИЙ БАРҲАЕТ ИНСОНЛАР ОБРАЗИ	30
Мария Бекбергенова. ТИПОЛОГИЯ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗА В ПРОЗЕ Г. ЕСЕМУРАТОВОЙ.....	37
Галиба Гаджиева. DÜNYA EDEBİYATINDA ŞEYTAN İMGESİNİN TEMEL YÖNLERİ VE KARŞILAŞTIRMALI ANALİZİ	41
Gulnoz Xalliyeva, Farangizbonu Adamova. ETHEL LILIAN VOYNICH ASARLARIDA GUMANIZM (INSONPARVARLIK)NI YORITILISHI.....	50
Qurbon Shadmanov. INGLIZ METAFIZIKLARNING SHE'RIYAT DUNYOSI: JON DONN	54
Tadjibaev M., Botirboev F. JAHON ADABIYOTIDA MA'RIFATPARVARLIK ASARLARI G'OYASINING GERMENEVTİK TAHLILI	59
Диёр Низамиддинов. ОБ ИЗУЧЕНИИ ФОРМ МИФОЛОГИЧЕСКОЙ ПРОЗЫ XX ВЕКА.....	63
Obidjonova M.Q. ILMIY-FANTASTIKANING JANR CHEGARALARI: NAZARIY TALQIN VA BADIY TIZIM SIFATIDA MONIYATI.....	66
Махмадиёр Асадов. “АВЛИЁ СЕРГИЙ” ҚИССАСИНИНГ ПОСТСТРУКТУРАЛ ТАҲЛИЛИ.....	74
Saodat Eshpulatova. NAVOIY UMMONINING JAVOHIRI.....	80
Лутфулла Холияров. WERNER SCHWAB DRAMATURGIYASIDA TIL FENOMENI	85
Dilshod Nasriddinov. URSULA LE GUIN FENTEZI ASARLARIDA BADIY TIL XUSUSIYATLARI	90
Ulug'bek Ko'chimov. REY BREDBERI IJODIDA BADIY PSIXOLOGIZM VA BOLALIK RETROSPEKTIVASI	95
Aziza Axmedova. GIDEON PLENISH OBRAZINING RUHIY TAHLILI.....	97
Umida Raximova. XX АСР АМЕРИКА АДАБИЁТИДА ОНА ТИМСОЛИ ТАДҚИҚИ	100
Nilufar Mukhammedova. LAROSE: SYMBOLIC MEANING EMBEDDED IN THE NAME	106
Сюита Жусуева. ТВОРЧЕСТВО ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА В ПРОСТРАНСТВЕ МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЫ: СИНТЕЗ МИФОПОЭТИКИ И ФИЛОСОФСКОГО ДИСКУРСА.....	110
Saodat Eshpulatova. “EL USTOZIM, MEN ESA TOLIB...”	116
Ткаченко А.В. ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЛИЧНОСТИ АЛИШЕРА НАВОИ В ЛИТЕРАТУРЕ И ЕЁ ЗНАЧЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ.....	120

ҲИНДИСТОНДА БОБУРИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИДА ЯРАТИЛГАН АБАДИЙ БАРҲАЁТ ИНСОНЛАР ОБРАЗИ

Муҳибова Улфатхон

филология фанлари доктори, профессор

Email: ukfatmuhib8@mail.ru

Аннотация. Мақола ўрта аср Ҳиндистон адабиётида Бобурий ҳукмдорлар даврида яратилган бҳакти адабий мероси ва унинг мазмунида акс этган тарихий инсонларнинг абадий барҳаёт образига бағишланган. Ушбу адабий мероснинг муҳим аҳамияти шундан иборатки, биринчидан бу адабий мерос бобурий шоҳларнинг қўллаб қувватлаши асосида вужудга келган, иккинчидан, унинг мазмуни қадимий ҳинд эпослари Маҳабхарата ва Рамайна эпослари билан боғлиқ, учинчидан, “варта” насрий жанридаги асарларда акс этган тарихий шахслар образи уша даврдан бугунги кунгача маънавий баркамол инсонлар образи сифатида ҳинд жамиятида ўзининг ўрни ва аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Калит сўзлар ва иборалар. бҳакти, образ, эпослар, “варта” жанри, диний ислохотчилик ҳаракати, меҳр ва садоқат, тенглик ғояси.

Abstract. The article is devoted to the bhakti literary heritage created in the period of the Babur rulers in medieval Indian literature and the image of eternal life of historical people reflected in its content. The importance of this literary heritage lies in the fact that, firstly, this literary heritage was created on the basis of the support of the Babur kings, secondly, its content is related to the ancient Indian epics Mahabharata and Ramayana, thirdly, the image of historical figures reflected in the works of the "varta" prose genre has not lost its place and importance in Indian society since that time until today.

Keywords: bhakti, image, epics, "varta" genre, religious reform movement, love and devotion, idea of equality.

Бадий асарда образ ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳар қандай асар ўзининг персонажи билан ўқувчи диққатини ўзига жалб қила олади. Биламизки, образлар тўқима, тарихий, фантастик ва маъжозий бўлиши мумкин. Бироқ, асар персонажи ҳақиқий тарихий шахс бўлса, бундай асар ўқувчининг диққат-эътиборини яна ҳам кўпроқ ўзига ром этади.

Ҳиндистон жаҳон халқлари адабиётида энг қадимий ва бебаҳо адабий мероси билан алоҳида ўрин тутди. Айниқса, тарихий персонажларга бой Рамайна ва Маҳабхарата эпослари ҳинд халқининг ҳанузгача сеvimли асарлари бўлиб қолмоқда. Рамайна, Маҳабхарата эпосларининг бугунги кундаги аҳамиятини Ҳиндистонга борган ҳар бир инсон тонгги телекўрсатувларни айна шу эпослардан олинган дидактик аҳамиятга эга бўлган маълум бир парчалар намойиши билан бошланишини кўриб ишонч ҳосил қилиши мумкин. Бугунги техник тараққиёт кундан кун ривожланиб бораётган, сунъий интеллект инсон ўрнини эгаллай бошлаётган бир даврда Ҳиндистонда мелоддан аввалги 2-минг йилликларда воқеалари юз берган мана шу икки эпоснинг оддий халқ ҳаётидаги аҳамиятининг кучлилигини кўриб ҳайратда қолмасликнинг иложи йўқ.

Бу икки эпос X асрлардаёқ муомаладан чиқиб кетган санскрит тилида яратилган бўлишига қарамасдан, унинг турли нусха ва таржималари нафақат барча ҳинд ва дравид тилларида, балки жаҳоннинг кўпгина тилларида ҳам мавжуддир. Қадимий эпосларнинг

бугунги абадийлигининг асосий сабаби эса ҳинд халқи сиғинадиган, ҳиндуизм динининг етакчи эътиқод манбаи бўлган Рам ва Кришна маъбудларидир. Бу икки маъбуд Ҳиндистон халқлари ҳаётига айна мана шу икки эпос воқеалари орқали кириб келган.

Ўрта асрларга келиб ҳиндуизм дини мутаассиблик йўлига кириб, оддий халқни Яратган худодан ҳам махрум этганидан сўнг шу давр тараккийпарвар файласўфлари динни нотўғри тарғиб қилаётган мулалар, яъни пандитларга қарши ғоявий кураш бошлаб, ҳиндуизм дини мутаассиблини танқид остига олган ҳолда ҳиндуизмни ислоҳ қилиш ҳаракатини бошлайдилар. Бу ислоҳ асосида янги бҳакти таълимоти шаклланади ва ушбу таълимот ўзининг инсонпарварлиги, бағрикенглиги ва барчани тенг кўриши билан омма эътиборини ўзига жалб қилади. Натижада ҳиндуизм динининг жамиятдаги обрўсига путур етиб, янги бҳакти таълимоти шу даврнинг етакчи мафкурасига айланади. Таълимотнинг асосий “Яратганга меҳрли ва садоқатли бўлиш” ҳамда “Яратган олдида барча тенгдир” деган ғояси ўрта аср ҳинд жамиятида жуда катта маънавий инқилоб бўлишига сабаб бўлади.

Бҳактининг ушбу ғоялари кечагина ибодатхонага киришдан ҳам махрум этилган оддий инсонни Худога яқин бўлиши йўлида шунчалик хизмат қилганки, бағрига шамол тегиб, ўзини Яратган ҳимоясида, Яратганининг меҳрига ва унинг қўллаб қувватлашига эришган инсонлар орасидан сон саноксиз таниқли шоирлар етишиб чиқа бошлаган. Улар бор меҳрини Яратганга бағишлаб уни олқишловчи, яхшини мақтаб, ёмонни қоралаш мазмунидаги шеърлар бита бошлаганлар. Бобурийлар салтанати худудида шаклланиб ривожланган бҳакти ҳаракати Бобурий шоҳларнинг қўллаб қувватлаши натижасида шу салтанат билан баб баробар уч юз йилдан ортиқ давр мобайнида даврнинг етакчи мафкурасига айланиб, адабиёт тарихида “бҳакти адабиёти” номи билан қолган жуда катта адабий мерос яралган. Айна шу адабиёт Маҳабхарата ва Рамайна эпослари асосида бунёд бўлган. Чунки, Яратганга меҳр уйғотиш деганда оддий халқда Рам ёки Кришнага бўлган меҳр назарда тутилган. Демак, ўз ўзидан маълумки, Рамга эътиқод қилувчилар Рамайна эпосини куйлаган, Кришнага эътиқод қилувчилар Маҳабхарата эпосини куйлаган. Шу боис ўрта аср бҳакт адабиётида расмбҳакти шеърляти ва кришнабҳакти шеърлятининг жуда катта мероси бугунги кунга етиб келган.

Бҳакти ҳаракати ёшу-қари, эркак ва аёл, браҳман ва шудра, ҳинду ва мусулмон, хуллас, юрагида меҳри ва садоқати бор ҳар бир инсонни ўзига жалб этган ва бу билан бҳактининг *тенглик* ва *бағрикенглик* ғояларининг амалий тасдиғини таъминлаган.

Бҳакти йўлига кирганларни бҳактлар дейилган. Аслида бҳакти ҳаракати исломдаги тасаввуф билан муштаракдир. Яъни, суфий деганда Оллоҳга бўлган чексиз меҳри ва садоқатини бағишлаган инсон тушуниланган. Бҳакт ҳам бу маънода суфийга тенг инсондир.

Назм ва насрда мерос қолдирган бҳакти адабиётида назмий асарлар кўпроқ Маҳабхарата ва Рамайна воқеалари билан боғлиқ. Насрий асарларда эса, асосан, бҳакти йўлида ўзининг Олий мақсадига эришган инсонлар образи яратилган. Жумладан, ўрта аср адабий тили бўлган браж тилидаги илк наср сифатида бҳактлар ҳаёти битилган “Чаураси вейшаван ки варта”, яъни “84 вишнуит ҳаёти” номли асар тан олинади. 17 асрга мансуб браж насрининг ушбу илк намунаси шу даврда бҳакти адабиётида вужудга елган “варта” жанрида ёзилган. “Варта” жанри бҳактлар ҳаётига бағишланган насрий асар бўлиб, унда бҳакти тарғиботчиларидан бўлган файласўф Валлабхачарьянинг илк шогирдлари ҳақида ёзилган. Асарда персонажлар тарихий шахслар бўлиб, улар бҳакти йўлини танлаб, Валлабхачарьяга шогирд тушиб, бу дунёнинг ўзидаёқ ўзининг энг олий мақсадига

эришган бҳақт инсонлар ҳаёти ҳақидадир. Асарда персонажлар ҳаёти икки қисмга ажратилган ҳолда тасвирланган. Биринчи қисм бҳақти йўлига киришдан аввалги ҳаёти, иккинчи қисм бҳақти йўлини танлаб, Валлабхачарьяга шогирд бўлганидан кейинги давр ҳаёти таъсирланган.

“84 вишнуит ҳаёти” асари персонажларининг энг биринчи хуссияти уларнинг тарихий шахс эканлиги ва оддий халқ вакили эканлиги. Иккинчи хусусияти, уларнинг маънавий баркамоллиги, учинчи хусусияти, барча персонажларнинг бу дунёнинг ўзида ўзининг олий мақсадига, яъни маъбуд Кришна дийдорига етишганлиги билан тавсифланади.

Асарда бҳақтининг “Яратган олдида барча тенгдир” деган ғояси ҳам ўзининг амалий тадқиғини топган, яъни бҳақти йўлига кириб, маъбуд Кришнага ўзини бахшида қилиб ўзининг олий мақсадига эришганларнинг орасида катта ёшли, ўрта ёшли, хатто ўспирин ёшдаги инсонлар, аёл ҳам Эркак ҳам бор. Шу билан бир қаторда ҳиндуизмнинг кастачилик тизимидаги барча каста вакиллари ҳам бор. Яъни, инсон Яратганга етишиши учун унинг ёшининг, кастасининг, миллатининг ва турар жойининг умуман фарқи йўқлиги амалий жиҳатдан исботлангандек туюлади. Тенглик ҳақидаги ғоя асарнинг мунжарижасидаёқ ўз аксини топган, жумладан, брахман Жагатанд ҳаёти, Ареллик бир брахман ҳаёти, Кхералилик Жаганнатх ҳаёти, кшатрий кастасидан Синхананд ҳаёти ва бошқалар.

Асар композицисида персонажлар ҳаётининг ўзига хослиги шундаки, ҳикоя қаҳрамонининг ҳаёти икки қисмга бўлиб тасвирланган бўлса, хатининг иккинчи қисми ҳамиша персонажнинг бҳақти йўлига кириб, устоз Валлабхачарьяга шогирд тушганидан кейинги ҳаётида юз берган маънавий ўзгаришларни тавирлашга бағишланган. Бу эса бҳақти йўлининг қанчалик тўғри эканлигини, бу йўлда инсон албатта маънавий баркамолликка эришиши кўрсатилган.

Ушбу китобда ўрта аср адабиётининг энг таниқли, сермахсул ижоди билан бҳақти адабиётининг каттагина меросини яратган ва ўз даврида асар муаллифининг отаси томонидан ташкил этилган “Аштачхап”, яъни “8 шоир иттифоқи” шоирларининг ҳам ҳаёти тасвирланган. Ушбу 8 шоир Маҳабхарата эпоси воқелари билан боғлиқ Кришнабҳақти шеърятининг энг сермахсул ижодкорларидир. Ушбу 8 шоир иттифоқининг раҳбари кўзи ожиз Сурдас шеърятини жаҳон миқёсида ўрганилган ва унинг шеърлари рус, инглиз, француз ва бошқа тилларига таржима қилинган.

Бҳақти ҳаракатида аёл бҳақтларнинг ҳам ўзига хос ўрни борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Аёл бҳақтларни икки турга ажратиш мумкин, бҳақт шоиралар ва бҳақт аёллар. Бҳақт шоиралар деганда бҳақти ғояларидан таъсирланиб, ўз ижодини бҳақти ғояларини қуйлашга бағишлаган аёлларни назарда тутамиз. Улар Ҳиндистоннинг барча миллий адабиётларида учрайди ва улар бҳақтининг турли йўналишларига мансуб шоиралардир, жумладан, тамил бҳақти адабиётида Кумари Атма, Кареккал Аммейар ва Аандаал, карнатак бҳақти адабиётида Ахадеви Аккама, телугу бҳақти адабиётида Атикуури Маолла, маратхи бҳақти адабиётида Гйанбаи ҳамда браж адабиётида Мирабаи ва бошқалар. Бҳақт аёллар деганда эса биз оддий, жамиятда ҳеч қандай шон-шухратга эга бўлмаган, лекин Яратган олдида ўз ҳурматига эга бўла олган ва Яратганнинг меҳр-муруватига эришган бҳақт аёлларни тушунамиз.

Кришнабҳақти шеърятининг таниқли, бутун Ҳиндистон миқёсида тан олинган шоираси бу Мирабаидир (XVII аср). Айтишларича, Мирабаи болалигида унга бир авлиё –

дарвеш маъбуд Кришнанинг хайкалчасини бериб кетган экан. Ўша пайтданок Миранинг меҳри Кришнага тушиб қолган. Мирани 18 ёшида ўзига тўқ бир оиланинг фарзандига турмушга берадилар, лекин кўп ўтмай турмуш ўртоғи оламдан ўтади, шундан сўнг Мира авлиё – дарвешларга хизмат қила бошлайди. Кейинчалик Меварни ташлаб, аввал Кришна бҳаки кенг тарқалган Вриндаван, Матхура ва Дварка шаҳарларида яшаб Кришнага бағишланган шеърларини ёзади. Мира ўз шеърларидан бирида шундай деб куйлаган:

अज परकिषण का कषण है
झूठी है ये सच्ची माला।
कयिा नहीं यदपिन प्रेम से
रूठेगा दुनयिवाला। [42, 13].

Мазмуни:

*Бугун синов куни,
Таққан гулим асми ёки ёлгон.
Агар қалбдан севмаган бўлсам,
Кулар устимдан бутун олам.*

Аёллар орасида Мирабаичалик бҳакти ғояларидан таъсирланган ва маъбуд Кришнага ўзининг бутун меҳри ва садоқатини берган бошқа шоира аёлни топиш қийин. Мирабаи ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ҳам "варта" жанридаги асарларда учрайди. Мирабаи шеърляти ўрта асрлар кришнабҳакти шеърлятининг Сурдасдан кейинги иккинчи олий намунаси сифатида тан олинади.

"Саксон тўрт вишнуит ҳаёти" асаридаги аёл бҳактлар турли ёшдаги ва турли каста вакиллариدير. Асардаги шундай аёллардан бири Рукманидир. У бҳакти тарғиботчиси Валлабхачарьянинг шогирди Пурушоттамнинг кизи. Рукмани тангри Кришнани шунчалик севар эдики, унга хизмат қилишдан ортиқ муқаддас бурч бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблар эди. У барча қизлар қатори кўчаларда ўйнаб, қизларга кўшилиб Ганг сувларида чўмилиб, ёшлик гаштини сурмас эди. Кунлардан бир кун Валлабхачарьянинг Ганг дарёси бўйига келганини эшитиб, у биринчи бор отасидан Ганг дарёсини зиёрат қилишига ижозат беришини сўрайди ва у ерда биринчи бор Валлабхачарья билан учрашади. Фақат унинг дуосигина Тангрининг висолига етишишига йўл очишини Рукмани отасидан эшитган эди. Валлабхачарья Рукманини бҳакт аёл эканлигини дарҳол сезиб, уни суҳбатга тортиб сўрайди: "Сен Ганга сувида неча марта чўмилгансан?" – деса, Рукмани: "Йигирма тўрт йил илгари бир марта келган эдим», – деб жавоб беради. Тангрига бўлган меҳр ва садоқатига қойил қолган Валлабхачарья уни дуо қилиб, ўз шогирдлигига олади. Рукмани ҳам тангри Кришнага берган меҳрига жавобан Валлабхачарья раҳнамолигида ўзининг муқаддас орзусига, яъни Кришнанинг суюкли бҳакти бўлиш ва унинг меҳр-мурувватини қозониш бахтига муяссар бўлади.

Шундай аёллардан яна бири Валлабхачарья шогирдларининг онасидир. Бу аёлнинг икки ўғли бўлиб, икковининг ҳам эътиқоди кучли бўлганлиги учун Валлабхачарья уларни ўзига шогирдликка олган. Лекин, онасининг ҳам орзуси қолган умрини Тангрига хизмат қилиб, Кришнанинг севимли бҳакти бўлиш эди, лекин аёлнинг умр йўлдоши дунёвий инсон бўлгани боис Валлабхачарья аёлга эрининг хизматини қилишни буюради. Тангрига меҳрсиз бўлган эрининг вафотидан кейин она ўз фарзандлари билан бирга Валлабхачарьяга шогирд тушиб, тангри Кришнага сидқидилдан хизмат қилишни бошлайди, натижада Кришнанинг меҳрини қозониб, ўзининг энг олий мақсадига –

Кришнанинг дийдорини кўришга эришади. Бу йўлда Валлабхачарья ўзининг дуолари билан уларга яхши устозлик вазифасини бажариб туради.

Асарда аёлларнинг бҳакт бўлишдан аввалги ҳолатлари турличадир, яъни айримлари турмушга чиқиб, умр йўлдоши билан бирга, айримлари қариб, бева бўлгандан кейингина бҳакти йўлига киради ва яна бошқалари ёш кизлик вақтида отасининг ёки акасининг изидан бориб бҳакт бўлади. Бу эса, ўз навбатида, "мехр ёш танламас", "Тангри учун барча тенгдир" деган бҳакти ғояларининг амалий исботи бўлиб хизмат қилади. Бҳакт бўлгандан кейинги ҳар бир аёлнинг ҳаётида бўладиган ўзгаришлар, албатта, ижобий ва ўйлаган мақсадларига мувофиқ бўлиб, мақсад эса пок инсон, Тангри севган банда бўлиб яшаш ва бу дунёнинг ўзидаёқ Яратганнинг ердаги тажассуми бўлган маъбуд Кришнанинг дийдорига эришиш бўлган. "Саксон тўрт вишнуит ҳаёти" асарида бу турдаги бҳакт аёллардан ўндан ортининг ҳаёти ҳақида маълумотлар берилган. Жумладан, кшатрий кастасидан бўлган бева Амма, қайнона-келин Горжа ва Самараи, синханандлик кшатрий аёл ҳақида ва бошқалар. Асарда эр-хотин бҳактлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Пурушоттам ва унинг аёли, Кришнадас ва унинг аёли, Баднараяндас ва унинг аёли, Мадҳав Пател ва унинг аёли ва ҳоказолар. Эр-хотин бҳактларнинг ҳаёти асарда биргаликда берилган, яъни бир неча лавҳадан иборат бир ҳикоя тарзида. Бунда аёл бҳактлар ҳаёти билан танишар эканмиз, улар бошқа аёллардан ўзларининг қатъиятлилиги, ростгўй ва меҳрибонлиги, чуқур эътиқодли ва қўрқмаслиги билан ажралиб туришларини кузатиш мумкин. Бу аёллар учун ўз эътиқодида қатъий туриш, унга садоқатли бўлиш ва уни ҳимоя қилишдан кўра муқаддасроқ бурч йўқ. Уларнинг қилган ҳар бир ишида, ҳар бир сўзида эътиқод мустаҳкамлиги яққол кўриниб туради. Уларнинг жамиятга таъсири ҳам шунчалик кучли бўлганки, устоз Валлабхачарья омма билан бўлган учрашувларда ҳамини уларга *"бҳактон ке сатх сатсанг каро"*, яъни "бҳактлар билан доим суҳбатда бўлинг", деб маслаҳат берган. Дарҳақиқат, варталарда бош қаҳрамонлардан ташқари иккинчи даражали шундай образлар ҳам борки, уларнинг кўпи бҳактлар билан суҳбатларда ёки улар билан дўстлашиш орқали бҳакти йўлига кирган ва ўз хоҳишлари билан Валлабхачарьяга шогирд тушганлар. Ҳикоялар орасида "Кришнадас ва унинг аёли" ҳақидаги ҳикоя жуда қизиқарлидир. Ҳикояда аёл кишининг ўз эътиқоди ва устозининг сўзига садоқати ва покликнинг нопоклик устидан ғалабаси муқаррар эканлиги ҳаётий бир воқеа орқали ёритиб берилади. Ҳикояда Кришнадас ўз аёли билан Валлабхачарьяга шогирд тушади ва устози уларга зиёрат учун йўлга отланган мусофир бҳактларга хизмат қилиш вазифасини топширади. Кунлардан бир кун бир гуруҳ бҳактлар зиёрат учун йўлга чиқиб Кришнадас уйида тунайдилар. Шу кун уйда егулик ҳеч нарса қолмаган эди. Кришнадас эса пул топиш учун бозорга кетади. Унинг аёли бҳактларни қандай меҳмон қилишни билмай боши қотади. Унинг ҳаёлида фақат устози буюрган топширикни қандай қилиб бажариш ҳақидаги уйлар жўш уради. Қишлоқда эса унга доим кўз олайтириб юрадиган савдогар бор эди. Аёл ўша савдогар олдига бориб ўзини гаровга қўйиб, бир кеча унинг меҳмони бўлишга ваъда бериб, ундан қарзга озиқ-овқат олиб келади ва бҳактларни меҳмон қилади. Кечқурун эри келиб бҳактларнинг овқатланганини эшитиб, хайрон бўлиб сўраганида аёли қилган ишини оқизмай-томизмай эрига сўзлаб беради. Устоз сўзига бўлган садоқатига қойил қолган эри аёлига қараб: "Сен устознинг ҳурмати учун, берган сўзингга вафо қилиб, ўзингни қурбон қилишга ҳам тайёр бўлибсан, энди биз ҳам ўша бизнинг ҳожатимизни чиқарган савдогарга берган сўзимизни устидан чиқиб, унинг ҳожатини чиқаришимиз лозим. Эртага яхшилаб кийиниб, ясениб уникага меҳмонга борасан", – дейди. Аксига

олиб, эртаси куни челақдан куйгандек жала куйиб, ҳамма ёқни сув босади. Кришнада с эса аёлига: *"Бундай ёмғирда меҳмоннинг уйига кўчанинг лойларини босиб киришинг яхши эмас. Аёл кишисан, озода бўлишинг керак"*, – деб уни елкасида кўтариб, савдогарнинг уйига ташлаб келади. Шундай ёмғирда аёлнинг топ-тоза оёқ билан кириб келганини кўрган савдогар хайрон бўлиб сўрайди: *"Ҳаммаёқ ёмғир, лой бўлса, сенинг оёгинг нима учун топ – тоза?"* Шунда аёл эрининг айтган сўзлари ва қилган ишини яширмай бирма-бир сўзлаб беради. Бу гапдан хабар топган савдогар эр-хотиннинг қандай инсонлар эканини тушуниб, уларнинг эътиқодига, поклигига ва устозига бўлган садоқат ва ҳурматига қойил қолади ва аёлнинг оёғига бош уриб кечирим сўраб, шундай дейди: *"Мен жуда катта гуноҳга йўл қўяётган эканман. Сизлардек покдомон инсонларнинг борлигини ҳатто ҳаёлимга ҳам келтира олмас эдим, энди кўзим очилди. Мени ақл ва одобда тенги йўқ эрингиз билан таништиринг"* [8, 33], – дейди. Аёл унга ўз устози ҳақида ҳам сўзлаб беради. Тавбасига таянган савдогар эр-хотиннинг садоқатидан қаттиқ таъсирланиб, бҳакти йўлига киради ва Валлабхачарьяга шогирд тушиб, ўз ҳаёт тарзини ўзгартириб, Тангри Кришнанинг меҳрига сазовор бўлади.

Бу ерда Кришнада снинг аёли, бизнинг наздимизда, икки муҳим нарсага риоя қилган ҳолда нождўя қадам кўйишга қарор қилади: бири – устоз сўзига садоқат, ваъдага вафо бўлса, иккинчиси – пок ва мустаҳкам эътиқодли инсонга Кришна ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмаслигига қатъий ишонч. Бҳакт аёлнинг қатъиятлилиги ва поклиги нафақат унинг ўзини, балки адашган бир инсонни ҳам тўғри йўлга киришига сабабчи бўлади.

Варталарда бҳактларнинг бошқаларга таъсири натижасида уларнинг ҳам бҳакти йўлига кирганликлари ҳақидаги ҳикоялар жуда кўп. Бу бҳактлар ҳинд жамиятида қандайдир бир қаҳрамонлик кўрсатиб эмас, Тангри талаб қилгандек яшаб, Унга сидқидилдан хизмат қилиб, Унгагина меҳр бериб яшаган инсонлардир. Бҳактлар ҳақидаги бундай асарларни яратишдан мақсад бҳакти йўлининг тўғри эканлиги ва бҳакт инсонлар ҳақиқатан ҳам бўлганлигини келажак авлодга етказиш орқали уларнинг номини абадийлаштиришдир.

"Саксон тўрт вишнуит ҳаёти" асари билан танишган китобхон бҳакт ким, бу йўлга кирган инсон ўзининг қандай хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб туради, унинг асосий ютуғи нимадан иборат деган саволларга жавоб олиши мумкин. Бҳактининг ислоҳотчи ҳаракат деб номланиши ҳам бежиз эмас. Бу йўлга кирган инсон онгида, албатта, ўзгариш юз беради ва унинг онги маънавиятнинг юқори чўққилари томон ривожлана боради. Лекин, бунинг учун инсонда соф меҳр ва садоқат туйғулари ҳамда кучли эътиқод мавжуд бўлиши лозим.

Асарда аёл бҳактларнинг сони ўн бештадан ортиқ. Бундан ташқари, "Икки юз эллик икки вишнуит ҳаёти" китобида ҳам жуда кўп аёл бҳактлар, ҳатто бҳакт қушлар ҳақида ҳам ҳикоялар мавжуд. Маълумки, ҳинд фалсафасига кўра оламдаги жамики жонзотни Тангри яратган, уларнинг ҳар бирининг юрагида Яратганга нисбатан меҳр мавжуд бўлиб, мана шу меҳр жонзотни Тангрига яқинлаштирувчи куч-қудратдир. Бҳактлар ҳаётига оид асарлар мана уч юз йилдирки, ҳинд халқининг сеvimли китоблари бўлиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолиси бўш вақтларда доим жамоа бўлиб ёки оила даврасида бу асарларни севиб мутулаа қилади. Ҳиндистонда оддий халқ, айниқса қишлоқ аҳли замонавий ҳинд ёзувчилари, уларнинг ёзган асарларини билмасликлари мумкин, лекин "варта"лардаги бҳактларнинг ҳар бири ҳақида жуда яхши билимга эга эканлигини

кузатиш мумкин. Ҳиндистонда бугунги кунда ҳам ҳақиқий бҳақт бўлиш орзусида яшаб юрган инсонлар кўплигини ва уларнинг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги муҳим аҳамиятини назарга олган ҳолда “варта”ларни ўрта аср браж тилидан ҳиндий тилига таржима қилиб нашр этириш ишлари амалга оширилмоқда. Биринчи бўлиб “Саксон тўрт вишнуит ҳаёти” китоби ўн бир қисмда нашр этилган, “Икки юз эллик икки вишнуит ҳаёти” китобининг таржима ишлари якунланиш арафасида эканлиги маълум. Бундай китоблар ҳар бир хонадонда ахлоқ ва одобни юксалтириш учун зарурий дастуриламал адабиёт бўлиб хизмат қилади. Ҳинд бҳақт аёллари юксак маънавиятли шахслар бўлиб, ҳинд донишмандлари уларни жамият маънавиятини сақловчи ва мустаҳкамловчи куч, деб бежиз айтмаганлар.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрда бҳақти адабиёти номи билан юри тиладиган каттагина адабий меросда ўз даврининг буюк бҳақтлари ҳақидаги иаълумотлар насрий жанр бўлган “варта” жанридаги асарларда акс этган. Бҳақти шеърятчи Махабҳарата ва Рамайна воқеалари билан боғлиқ бой ва сермазмун шеърят бўлса, насрий адабиётда шу давр тарихий шахсларининг “Авлиёлар ҳаёти” рукнидаги асарларда ёзиб қолдирилган ҳаёти тасвирланган ва Ҳиндистон халқлари адабиётида ушбу образлар ҳанузча тенги йўқ ўлмас образлар сифатида баҳоланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Муҳибова У. Индийская агиографическая литература. Монография. Ташкент, 2008.
2. Ходжаева Т.А., Муҳибова У. Ҳиндистон адабиёти. Монография. Тошкент, 2020.

Ҳинди тилида:

1. गोकुलनाथ । चौरासी वैष्णवन की वार्ता । – मथुरा, 1999.
2. प्रभूदयाल मत्तिल. अष्टछाप परचिय. – मथुरा, 1949.
1. शविकुमार मशिर । भक्त आंदोलन और भक्ति साहित्य । – पटना, 2010.